



ЖИНОЯТ ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Куваталиев Азамат Кимсанбоевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактабининг тингловчиси
kimsanboyevisfandiyer@gmail.com
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7863438>

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2023

Accepted: 24th April 2023

Online: 25th April 2023

KEY WORDS

Жиноят оқибатида,
етказилган, моддий, зарар,
зиён, Жиноят процесси,
ундириш, суд, шикоят,
фуқаровий даъво.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатларнинг турли ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солинганлиги бу муносабатларда ушбу жараён билан боғлиқ низоларнинг ҳал этишда бир хил ёндашув бўлмаётганлигини юзасидан фикрлар ҳам таҳлил этилган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жиноят иши қўзғатиш, иш юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш сингари ҳуқуқларнинг судлар ваколатидан чиқарилишини назарда тутувчи ўзгартишлар жиноят-процессуал қонунига киритилди. Баён этилган фикрлар жиноят ишини юритишда тергов органлари ва судларнинг инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига муносабати тубдан ўзгараётганидан далолат беради. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга ошириб келаётган ишларнинг таҳлили уларнинг вақтинчалик тадбирлар эмаслигидан, балки қонун талабларига мос равишда доимий хусусиятга эга бўлишдан далолат бермоқда. Бу эса жиноят процессининг тобора инсонпарвар тус олиб бориши ҳақида хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра: “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш шаклларида бири – жиноят иши бўйича жиноятларни тергов қилишда ва суд муҳокамасида фуқаровий даъвони қўзғатиш имкониятининг мавжудлигидир.

Шу билан бирга содир этилган жиноят нафақат қонун билан қўриқланадиган муносабатларга, шу жумладан, инсон манфаатларига ҳам маълум даражада зарар етказди. Зарар моддий, жисмоний ёки маънавий шаклларда намоён бўлади. Умумэътироф этилган принципларга асосан етказилган зарар қопланиши ёки бартараф этилиши лозим.



Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат органлари фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қайд этилган.

Жиноят процессида зарарни ундириш турли шакллардаги мулкнинг дахлсизлигини таъминлашда, давлат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда зарар, унинг турлари ҳамда зиён тушунчаларига қатъий бир таъриф берилмаган, мустақилликдан олдинг даври юрист олимлари, энг умумий тарзда “зарар” давлат, ташкилот ёки фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш оқибати деб таърифланиши мумкин” деган фикрни илгари суришган.

Шуни эътироф этиш жоизки, жиноят процессуал қонунчилигига оид кўпгина адабиётларда, ҳаттоки Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорларида ҳам “зиён” сўзи ўрнига “зарар” сўзи ишлатилган бўлса-да, жиноят процессуал кодексида “зарарни қоплаш” сўзи ўрнига “зиённи қоплаш” сўзи ишлатилган.

Фуқаролик ҳуқуқида эса зарар ёки зиён деганда қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай неъматни камситиш ёки унга шикаст етказиш тушунилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумнинг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 2 бандида “зарар” тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга асосан, “ФК [14-моддасига](#) кўра, зарар деганда, қуйидагилар тушунилади:

ҳуқуқи бузилган шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар);

шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда)”².

Шу муносабат билан жиноят натижасида, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга, хусусан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган, қонунга хилоф равишда аралашуш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятларга оид ишлар бўйича (ЖК [192¹ — 192⁸-моддалари](#)) етказилган мулкий зиённи қоплаш масалаларини ҳал этиш чоғида судлар нафақат жиноят процессуал қонунчилиги (ЖПК [бешинчи бўлими](#)), балки фуқаролик, меҳнат ва бошқа қонунчилик нормаларига ҳам (ЖПК [281-моддаси](#)) амал қилишлари лозим.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатларнинг турли ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солинганлиги бу муносабатларда ушбу жараён билан боғлиқ низоларнинг ҳал этишда бир хил ёндашув бўлмаётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Масалан, ФКнинг 14-моддасига кўра, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.-т. Адолат.: 2022. 567-6.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумнинг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори. <https://lex.uz/acts/1446527>



харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Масалан, Фуқаролик қонунчилигида бирон бир шартномавий мажбурият бажарилмаслиги муносабати билан ёки шартномавий муносабатда бўлмаган манфаатга путур етказилиши натижасида зарар келиб чиқиши мумкин. Ўзганинг шартномавий муносабат соҳасидан ташқаридаги субъектив ҳуқуқнинг поймол қилиниши ҳуқуқбузарнинг жавобгарлигини келтириб чиқаради, яъни у жабрланувчининг мулкӣ ҳолатини ўз ҳисобидан тиклаб беришга мажбур бўлади, илгари мавжуд бўлмаган мажбурият вужудга келади. Фуқаролик ҳуқуқида бунӣ зарар етказиш натижасида келиб чиқадиган мажбурият деб аталади³.

Аммо ЖПКнинг бешинчи бўлимида жиноят натижасида етказилган зиённи қоплаш билан боғлиқ нормаларда бой берилган фойдани ҳам ундириш ёки жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш тартибини белгиловчи нормалар деярли мавжуд эмас. Шунӣ таъкидлаш лозимки, Жиноят ҳуқуқида жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопланиши принципини таъминлаш имконини бермайди. Фикримизча, зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини ҳам унификациялаш зарурати мавжуд. Бунда “зарар” ва “зиён” тушунчалар синоним эмас, бир-биридан алоҳида тушунча бўлиб, ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) моддий неъматларни қамраб олса зарар келиб чиқади. Ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари камситилса зиён келиб чиқади, «зарар» тушунчаси “зиён” тушунчасига қараганда анча кенг “зиён” эса фақат етказилган зиённи ифодалайди, бошқа ҳолатлар, масалан, “бой берилган фойда”ни қамраб олмайди ҳамда жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъво фақат бевосита зиённи эмас, балки кўрилган зарарни ундиришни ҳам кўзда тутати.

Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган зарар ўз хусусиятига кўра, моддий, жисмоний ёки маънавий шаклларда бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига асосан жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори жиноят ишида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва айблов учун асос ҳисобланади. Жиноий қилмиш туфайли етказилган зарарли оқибатлари ва миқдори, ўз навбатида, жиноятнинг юридик квалификациясига ўз таъсирини ўтказади. Зарарнинг ундирилиши турли йўллар билан амалга оширилади:

- а) моддий ёки номоддий зарарни қоплаш;
- б) салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш;
- в) тарафларнинг розилигига кўра бошқа компенсация тўловларини амалга ошириш.

Жиноятчиликнинг зарарли оқибатини янги жиноятларни содир этишга шароит ва сабаблар келтириб чиқаришида криминоген (совуққонлик натижасида ҳўжасизларча ҳолатни яратиш ва ш.к.) ва криминоген бўлмаган (тан жароҳати

³Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.-т. Адолат.: 2022. 567-б.



натижасида зарар етиши, ўғрилиқ оқибатида зарар кўриш ва бошқалар); тиклаш мумкин бўлган (мулкӣ зарар) ва мумкин бўлмаган (одам ўлдириш, бадий қийматга эга буюмларни йўқ қилиш ва бошқалар) каби турларга ажратиш мумкин.

Жиноий ҳаракат туфайли мулкӣ зиён етказилиши моддий зарарнинг мавжудлигини билдиради. Демак, жиноят процессида жиноят туфайли моддий ва номоддий шаклда ўз ифодасини топади.

Номоддий оқибатларни (масалан, маънавий ёки жисмоний азият чекишлар) уларнинг бутун оғирлиги ёки ижтимоий хавфлилигига қарамасдан, моддий оқибатлар, авваламбор, моддий объектларга (предметга) жиноий тажовуз қилиш орқали етказилган зарар сон ва миқдор хусусиятларига эга бўлиб, уни пул билан ўлчаши, демак, моддий зарарни қоплаш мумкин бўлади.

Жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга тегишли товар моддий бойликларга таъсир этиши натижасида (уларни эгаллаб олиши, уларга шикаст етказиши, йўқ қилиши ва ҳ.к.) етказилган моддий зарар ундирилиши лозим бўлган моддий зарар деб тан олинади.

Жиноят процессуал қонунчилигида зиён ёки зарар деганда жиноий ҳаракатлар оқибатида шахснинг моддий қийматга эга бўлган бирон бир мулкига шикаст етказиши, шахснинг жиноий ҳаракатлар туфайли маънавий жихатдан азоб кўриб, соғлиғининг бузилиши, жиноий ҳаракатлар оқибатида шахснинг моддий зарар кўришини тушуниш қонунга мувофиқдир. Шунингдек, ЖПКдаги “зиён” сўзи ўрнига “зарар” сўзини ишлатиш луғавий аниқлик бўлиб, амалиётда фуқаролар учун зарарни тушунишни соддалаштиради.

Бизга маълумки, жиноятчиликнинг ажралмас белгиси – ҳуқуқнинг бузилиши (зарар етказилиши) бўлиб, жабрланувчининг «пайдо бўлиши» ва жалб этилиши учун асос бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ҳуқуқлар жиноий жавобгарлик ёшига етган, лекин руҳий бузилишлар билан боғлиқ бўлмаган руҳий ривожланишда бўлган шахс томонидан бузилса, бунда зарар жамият учун хавфли хусусиятга эга бўлади. Ушбу қилмиш эса, “охирги зарурат” ва “зарурий муҳофаа”, “Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш (ЖКнинг 41¹-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21¹-моддаси)”да ўз ифодасини топиб, жабрланувчи бу қилмишнинг объекти ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маънавий, жисмоний ва мулкӣ зарарнинг етказилиши жабрланувчининг “пайдо бўлиши”га асос бўлади.

Жиноят оқибатида етказилган зарар жисмоний, маънавий ёки мулкӣ (моддий) зарар шаклида ифодаланади. Ўз моҳиятига кўра, шахсга етказилган ҳар қандай зарар ундирилиши лозим. Жиноят туфайли етказилган моддий зарар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ўз аксини топган ва энг кўп тарқалган зарар турларидан биридир. Бундай зарарни ундириши эса жиноят процессида фуқаровий даъво кўринишида амалга оширилади ва у Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-бобида бевосита кўзда тутилган.

Жиноят процессида бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ ва моддий зарарни қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиши ёки унинг



стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар кўрилади.

Жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни ундиришнинг жиноят-процессуал шаклларида энг самаралиси фуқаровий даъво ҳисобланади. Ушбу қўлланмада жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ масалалар батафсил ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКнинг 5-бўлими жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга бағишланган алоҳида бўлим бўлиб, етказилган зарарни қоплашга оид нормалар шу бўлимда жамланган, ушбу бўлим 3 та бобдан иборат бўлиб, булар 33-боб-жиноят процессида фуқаровий даъво. Бошқа мулккий ундиришлар, 34-боб мол-мулкни жабрланувчига ёки фуқаровий жавобгарга қайтариш, 35-боб эса ҳукмнинг мулккий ундиришлар тўғрисидаги ижросини таъминлашга бағишланган.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш тартиби деганда, жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни бузилган мулккий ва баъзи ҳолларда, қонунда назарда тутилган, шахсий ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал ҳаракатларининг йиғиндисини тушуниш лозим.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ўндириш тартиби ЖПКда назарда тутилган тартиб ва усуллар билан ҳал этилади. Процессуал ҳаракатлар жабрланувчининг ўзи томонидан, ваколатли органларнинг маъсул мансабдор шахслари ёки айбланувчи, қонунда таъқиқланмаган бўлса бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Уларга айбланувчининг яқин қариндошлари киритилиши мумкин, улар жабрланувчига айбланувчи номидан зарарни қоплашади.

Зарарни қоплаш жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш орқали амалга оширилади. Масалан; Россия олимлари фикри бўйича зарарни қоплаш тартиблари жиноят процессида фуқаровий даъво, реституция (бевосита ўғирланган мулкни эгасига қайтарилиши), зарарни ихтиёрий қопланиши каби тартиблар кетма-кетлиги қўлланилади. Бу тартиблар турли ҳолатларда, жиноят процессида вужудга келган вазиятга қараб қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилиги бўйича зарарни қоплаш турлари қуйидагича;

- 1) Жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш орқали;
- 2) Йўқолган мол-мулкни эгасига қайтариш.

Ана шу икки усул сифатида гапирадиган бўлсак, айнан биринчисида етказилган зарарни қоплаш фақат фуқаровий даъво қўзғатиш орқали амалга оширилиб, унда ЖПКнинг 275-моддасида кўрсатилган даъволаргина кўриб чиқилади.

Иккинчисида, яъни йўқолган мол-мулкни қайтариш ЖПКнинг 287-моддасига кўра, жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкни эгасига қайтарилиши лозим. Жабрланувчи вафот этган тақдирда унинг мол-мулкни меросхўрларига, тугатилган юридик шахснинг мол-мулкни эса, унинг ҳуқуқ ворисига ўтказилади.

Эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк давлат эгалигига ўтказилади.



Мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримга асосан, иш тугатилганда эса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

Россия федерацияси қонунчилиги бўйича эса етказилган зарарни тўлдириш мажбурияти айбланувчига юкланиши мумкин. Лекин бунда зарарни тўлдириш зарарни қоплаш усули ҳисобланмаслиги керак⁴¹. Улар ўртасидаги фарқ нафақат қўлланиладиган терминалогияда (“етказилган зарарни тўлдириш мажбуриятини юклатилиши” ва “қоплаш”) кўринади. Қоплаш деганда, жабрланувчини моддий қаноатлантирилиши назарда тутилади. Етказилган зарарни тўлдириш мажбуриятини юклатилиши эса – тарбиявий чора бўлиб, унинг мазмуни вояга етмаганни ҳаракатга ундаш, яъни процессга, бунда жабрланувчига нисбатан алоҳида натижаларни келиб чиқиши мумкин эмас. Зарарни тўлдириш уни қопламасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

Россия федерацияси ЖПКсида зарарни қоплаш тартиблари ўзаро тизимни ташкил этади, қонун чиқарувчи ЖПКсида алоҳида боб ёки бўлим сифатида ажратмаганлигига қарамасдан, улар бир-бирига занжирдек боғланган.

Маслан: Агар ўғирланган мулкни зарарни қоплаш учун қайтариш орқали эришиб бўлинса, биринчи ўринда шу усулдан фойдаланилади. Агар объектив сабабларга кўра бундан амалга ошириб бўлмаса, ихтиёрий қайтаришга қаратилган механизмларни қўллаш лозим, агар бу ҳам қўл келмаса, фуқаровий даъво беришга асос бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, зарарни қоплашнинг тартиби қатор белгилари орқали намоён бўлади:

1. Бир усулнинг қўлланилиши иккинчисини қўллашни инкор этади. Масалан: Россия федерациясида Реституция тушунчаси мажуд бўлиб, унда мулкни натура шаклида қайтарилади, яъни ўғирланган мулкни натура шаклида қайтариш тушунилади. Бизнинг қонунчилигимизда эса фақатгина йуқолган мол-мулкни қайтариш тушунчаси бор, яъни ЖПКнинг 287-моддасида, лекин ўғирланган мулкни эгасига қайтариш тушунчаси ЖПКда мавжуд эмас ва қонунчилигимиз билан тартибга солинмаган.
2. Бу усулларнинг боғлиқлиги ва умумий мақсади - жабрланувчининг мулкӣ (айрим ҳолатларда мулкӣ бўлмаган шахсий) манфаатларини қаноатлантириш ҳисобланади.
3. У ёки бу усулнинг қўлланилиши қисман жабрланувчининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг фаоллиги билан боғлиқ. Чунки, зарарни ихтиёрий қоплаш, ёки ўғирланган мулкни эгасига қайтарилиши пассивликни, фуқаровий даъво эса жабрланувчидан фаолликни (фуқаровий даъво прокурор томонидан киритилиши ҳолатлари бундан мустасно) талаб этади.
4. Зарарни қоплашнинг умумлашган усуллари ҳам бўлиши мумкин.

Зарарни қоплашнинг барча усуллари бир тизимга солишни бир қанча сабабларга кўра ажратиш мумкин:

⁴¹Азаров В.А. Деятельность органов дознания, предварительного следствия и суда по охране имущественных интересов граждан: Учебное пособие. – Омск, 1999. – С. 5 – 7.



а) Зарарни қоплашни бир биридан ажратган ҳолда қўриш мумкин эмас чунки ҳар бирининг моҳиятини йўқотиш мумкин. Фуқаровий даъвони предмети ўғирланган мулкни натура шаклида қайтариш талаби бўлиши мумкинми деган саволга, қайси мулкнинг жиноят-процессуал реституция қилинаётганлиги яъни ҳар қандай даъвосиз қайтарилиши мумкинлиги аниқланиши лозим.

б) Ҳар қандай тизим ўзининг ўзига ҳос тузилиш принциплари асосида тавсифланади, бу принципларнинг аниқланиши зарарни қоплаш институтини жиноят-процессуалми ёки жиноят процессига умуман таълуқли эмаслиги;

в) Зарарни қоплаш усуллари тизими модели унинг алоҳида элементларини ўзгаришини тахминига ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун қонунчилик янгиликликларини амалда қўллашнинг етарли асосланган таклифларини кўрсатиш мумкин;

Зарарни қоплашда бир усулнинг қўлланилганлиги бошқа усулни қўллашни инкор этишини англатмайди. Бир ишнинг ўзида фуқаровий даъво ҳам, ўғирланган мол-мулкни эгасига қайтариш ҳам учраши мумкин.

References: